ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ҚЎНҒИРОТЛАР СУЛОЛАСИ ДАВР ТАРИХШУНОСЛИГИ МАНБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Тўхтажон Ортиғалиева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Дилбар Рахматуллаева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Хива хонлигининг қўнғиротлар сулоласи давридаги тарихшунослиги бўйича манбалар таҳлили келтирилган. Айниқса Мунис, Огаҳий ва Баёний асарларининг тарихий аҳамияти баён этилган ва фикр-мулоҳазалари билдирилган.

Калит сўзлар: Хива хонлиги, тарихнавислик, Мунис, Огаҳий, Баёний, қўнғиротлар сулоласи, “Фирдавс ул-иқбол”, “Зубдат – ут-таворих”, “Риёз уд-давла”.

ANALYSIS OF SOURCES OF HISTORICAL PERIOD OF KHIVA KHANATE

Tukhtajon Ortigalieva
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Dilbar Rakhmatullaeva
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article provides an analysis of sources on the historiography of the Khiva khanate during the bell dynasty. In particular, the historical significance of the works of Munis, Ogahi and Bayoniy is described and comments are made.

Keywords: Khiva khanate, historiography, Munis, Ogahi, Bayoniy, dynasty of Kungirot, “Firdavs ul-iqbal”, “Zubdat-ut-tavorix”, “Riyaz ud-davla”

КИРИШ

Мамлакатимиз тарихининг таркибий қисми бўлган Хива хонлигининг 400 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида мавжуд бўлиб турган даврда ўзбек давлатчилиги бошқарув тизими ва миллий-маданий қадриятлари, анъаналари мужассамлаштирган, айни пайтда худудий жиҳатдан ўзига хос жиҳатлари сақлаб қолинган. XVI аср бошларида вужудга келган Хива хонлигида сиёсий,

ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан бир қаторда, санъат, адабиёт, меъморчилик каби соҳалар изчил ривожланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида Хоразм воҳасининг Қўнғиротлар сулоласи даври тарихшунослигини ёритиш, турли даврларда амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида давлатчилик муаммосининг ўрганилишига ҳаққоний баҳо бериш муҳим вазифалардан бирига айланди. Зеро, Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи даври тарихи Шайбонийлар сулоласи даврига нисбатан кенг ўрганилган. XIX аср бошида ушбу сулола вакиллари хокимият тепасига келгандан кейин жамиятда мавжуд бўлган нисбатан барқарорлик ва осойишталик жараёни хонликнинг тараққий қилишига асос бўлди. Бу даврда Хоразм тарихнавислик мактаби ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Маҳаллий тарихчилар томонидан яратилган тарихий асарлар хонлик тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳизмат қилди. Шу, билан бирга Россиядан кўплаб элчилар, савдогарлар, ҳарбийларнинг хонликка юборилиши натижасида хисобот, хотира, эсдаликларнинг пайдо бўлганлиги хонлик ҳақида кенг маълумотга эга бўлиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Хива хонлигига оид илк ёзма манбалар ўрганила бошланган бўлса ҳам, уларнинг мазмуни кам тадқиқ этилган. Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи даври тарихини ўрганишда ёзма маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Хонлик тарихи билан боғлиқ маълумотлар асосан Шермуҳаммад Мунис (“Фирдавс ул-иқбол”), Мухаммад Ризо Огаҳий (“Риёз уд-давла”, “Зубдат ут-таворих”, “Жомеъ ул-воқеоти султоний”, “Гулшани давлат”, “Шоҳид ул-иқбол”) ва Муҳаммад Юсуф Баёний (“Шажарайи Хоразмшоҳий”, “Хоразм тарихи”) сингари хивалик тарихчилар асарларида қайд қилинган бўлиб, Улар XVII асрда Абулғозий Баҳодирхон бошлаб берган тарихнавислик илмини давом эттирганлар ҳамда ривожлантирганлар.

МУҲОКАМА

Маълумки, Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласига мансуб давр тарихини ёритишда Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари қимматли манбалар қаторига киради. Ушбу муаллифлар ўзларидан олдин ўтган ва замондошлари асарларидан хам фойдаланган ҳолда, воқеа-ходисаларга ўзларининг фикр-мулоҳазалари, танқидий ёндашувларини билдирганлар. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари маълумотларнинг кўплиги ва аниқлиги жихатидан катта аҳамият касб этади.

Рус олими академик В.В.Бартольд Мунис ва Огаҳий асарларини адабий-тарихий асарлар дея таъкидлаган. Мунис ва Огаҳий асарларида тарихий воқеалар баён этилиб, фактик маълумотлар кенг ўрин олган бўлсада, баён этиш усули адабий эканлиги билан ажралиб туради.

Хива хони Элтузархон ташаббуси билан Мунисга Хоразм тарихини ёзиш иши топширилган. Огаҳий томонидан якунланган ушбу “Фирдавс ул-иқбол” асарининг аҳамияти шундаки, асарда Хива хонлигининг қарийб 300 йиллик (1511-1825 йй.) тарихи, шу давр мобайнида истиқомат қилган турли этник гуруҳларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни, ер эгалиги, солиқ ва мажбуриятлар, ички ва ташқи савдо, дипломатик алоқаларига оид маълумотлар ўрин олган. Айниқса, Қўнғирот уруғларининг Хоразм худудига келиб жойлашиши, бу уруғ вакилларининг Хоразмдаги сиёсий воқеаларда муҳим рол ўйнай бошлаганлари тарихи ҳамда хонлик тахтига эришиш йўлида қилган тадбирлари баён қилинган.

Огаҳийнинг тарихлар сараси ёки тарихлар қаймоғи номини олган “Зубдат ут-таворих” асари Хива хони Раҳимқулихон салтанати воқеаларни (1843-1846 йй.) тасвирлайди. Ушбу асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм Раҳимқулихоннинг туғулишидан бошланиб, диний, дунёвий ва харбий илмларни эгаллаши, Хозарасп хокими сифатидаги фаолияти ҳамда хонлик тахтига чиққунига қадар бўлган воқеалар, иккинчи қисмда хоннинг тахтга чиққандан вафотигача бўлган воқеаларни ўз ичига олади.

Огаҳийнинг “Жомеъ ул-воқеоти султоний” (“Султон воқеаларнинг мажмуаси”) асарида 1846-1854 йилларда ҳукмронлик қилган Мухаммад Аминхон даври воқеалари ўз аксини топган. Бундан ташқари асарнинг охирида Хива хонлари Абдуллахон ва Қутлуғмуродхон давридаги воқеаларни баён этувчи қисм ҳам бор.

1865-1872 йилларда ёзилган “Шоҳид ул-иқбол” асари Хива хонлигида содир бўлган воқеаларни баён этади ва Мухаммад Рахимхон II нинг хукмронлик йилларини ёритади. Бироқ, Хива хонлиги тарихини ёритувчи ва фанда “Хива солномалари” номини олган ушбу асарлар мазмунини ханузгача комплекс равишда тадқиқ қилинмаганлиги тарихнавислик фани олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

НАТИЖАЛАР

Мунис ва Огаҳийдан кейин Хоразм тарихини ёзиш ишини Муҳаммад Юсуф Баёний давом эттиради. Баёний “Шажарайи Хоразмшоҳий” ва “Хоразм тарихи” асарлари билан ном қозонган. Баёнийнинг Хива хони Асфандиёрхон топшириғи билан ёзилган “Шажарайи Хоразмшоҳий” асари қадим замонлардан бошлаб, 1913-1914 йилларгача Хоразмда содир бўлган тарихий воқеаларни қамраб олган. Шунингдек, Полвонниёз Хожи Юсупов таклифига биноан ёзилган “Хоразм тарихи” асари унинг ёзилиш жиҳатидан енгил, халқчил тилда ёзилганлиги билан ажралиб туради. Мунис ва Огаҳий асарларини ўқиш ўқувчидан муайян тайёргарликни талаб қилган ва эски ўзбек ёзувини билган одам ҳам бемалол ўқий олмаган. Бу эса ўқувчидан Баёнийнинг асарларига қизиқишни кенг ошириб борган.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, XIX – XX аср бошларида яшаган замонасининг кўзга кўринган тарихчилари Мунис, Огаҳий ва Баёний томонидан ижод этилган тарихий асарлар Ўрта Осиё, айниқса Хива хонлиги тарихини ўрганишда асосий манбалар бўлиб хизмат қилган. Ушбу асарларда Хива хонлигида ер-сув эгалиги, мулкчилик, солиқ тизими, қурилиш ишлари, савдо ва дипломатик муносабатлар, бошқарув тизимида амалда мавжуд бўлган мансаблар, тоифа ва уруғлар, зиёлилар тўғрисида қимматли маълумотлар кенг баён этилган. Бу каби маълумотлар бугунги кунда давлатчилик муносабатларини кенг соҳаларда ислоҳ қилишга ва ривожлантиришга ҳизмат қилмоқда.

REFERENCES

1. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркистана. –Л., 1927. – С. 113
2. Javlonbek Rayimnazarovich Begaliyev. (2020). XIVA XONLIGI TARIXSHUNOSLIGI. Science and Education. 1 (6), 153-160.
3. Мунис Шермуҳаммад. Фирдавс ул-иқбол // Қўлёзма. Ўз ФА ШИ. - № 821/1. - 258 б.
4. Gaffarov, Y. (2019). Technical approach in the education system. International Journal on Integrated Education, 2(6), 40-41. Retrieved from http://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/195
5. Огаҳий Мухаммад Ризо. Жомеъ ул-воқеоти султоний // Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ - № 9786. 310 б.
6. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal on Integrated Education, 2(5), 212.

7. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
8. J.N. Abdurakhmanova, S.B. Jumaeva, U.K. Ismailov (2020). The Importance of Shrines in The Spiritual Life and Mentality of Uzbek People // International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24 (09) 2389- 2398.
9. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the "Great Game". Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
10. Matchonov S. (2020). Adabiy ta'lim tizimini texnologiyalashtirish va badiiy-estetik tafakkur muammolari // Научный вестник Ташкентского государственного педагогического университета. № 1 –С. 110-115.
11. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), 8104-8111.
12. Абдурахманова, Ж. Н., Тоштемирова, С.А. (2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. *Science and Education, 1*(Issue 7), 436-442.
13. Toshtemirova, С., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі // "Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development" collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference. Актубе. P. 17-23.
14. Nasirov Otabek., Usmanov Farhod, & Begaliyev Javlonbek. (2020). Order of Creation of Joint-Stock Companies in Turkestan in the Late XIX - Early XX Centuries and Participation of Foreign Capital in It. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(07), 8034-8042.
15. Shukurullo Mardonov. Art Pedagogical and art therapeutic technologies in the art classes. *International Journal of Research in Economics and Sosial Sciences, 10* (Issue 6), 26-36.
16. Раимова, А. (2020). Эвакуация центров науки и культуры в Узбекистан в годы Второй мировой войны. Science and Education, 1 (7), 600-609.
17. Toshtemirova, S.A. (2020). The quality of education is a pedagogical problem. *Актуальные вопросы современной науки Материалы VI международной научно-практической конференции*, Саратов. *1*(1), 39-40.
18. Jabbor Usarov. (2019, June). Using Teaching Methods for Development Student Competencies. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(1), 272-274.

19. Раимова, А. (2020). Вклад Шира Захидова в развитие киноискусства Узбекистана. Science and Education, 1 (7), 594-599.
20. Тоштемирова С (2019). Ўзбекистонда коллективлаштириш ва унинг оқибатларини ўрганишга доир мулоҳазалар. Тафаккур зиёси № 3 –Б. 78-80.
21. Gafforov Ya. X. (2019). THE STATE OF HUSTORICAL EDUCATION IN UZBEKISTAN DURING WORLD WAR II. USA(Philadelphia) . -P. 173-175.
22. Botir Boltabaevich Baymetov, Khusan Kholmuratovich Muratov. Self Sketches as a Tool in the Professional Training of a Future Artist-Teacher. Solid State Technology. 2020/2/29. Vol. 63 № 2 (2020). 224-231.